

Қ А Р О Р

2025 йил июнь ойининг 04 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг тергов судьяси М.Турсуновнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Нурматовнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми ва 183-моддаси билан Р.Эшбаевга нисбатан тўпланган 3-1012-2507/2582-сонли маъмурий ишни кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Эшбаев Рустам Сайдалим ўғли (Eshbayev Rustam Saydalim o'g'li), 25.08.1996 йилда Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, маъмурий жавобгарликка тортилган, Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, пахтазор ҚФЙ, боғишамол кўчаси, 5/2-уйда яшайди.

Суд, ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, маъмурий ишни ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Р.Эшбаев 2025 йил 02 июнь куни Янгиҳаёт тумани, Хушнуд маҳалласи, ТХАЙ кўчасида Д.Юлдошованинг курагидан ушлаб, Шаҳвоний шилқимлик қилган. Шунингдек, бақир-чақир қилиб, жамоат тартиби ва осойишталигини бузиб, майда безорилик ҳаракатларини содир қилган.

Р.Эшбаев судда ўз айбига иқрорлик билдириб, 2025 йил 02 июнь куни Янгиҳаёт тумани, Хушнуд маҳалласи, ТХАЙ кўчасида Д.Юлдошованинг курагидан ушлаб, Шаҳвоний шилқимлик қилганлигини, Шунингдек, бақир-чақир қилиб, жамоат тартиби ва осойишталигини бузганлигини, ҳозирда қилган қилмишидан пушаймонда эканлигини, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи Д.Юлдошова суд мажлисида, Р.Эшбаев 2025 йил 02 июнь куни Янгиҳаёт тумани, Хушнуд маҳалласи, ТХАЙ кўчасида унинг курагидан ушлаб, Шаҳвоний шилқимлик қилганлигини, Шунингдек, бақир-чақир қилиб, жамоат тартиби ва осойишталигини бузиб, майда безорилик ҳаракатларини содир қилганлигини Р.Эшбаевга нисбатдан қонуний чора қўришнинг зарурлигини сўрайман.

Р.Эшбаевнинг ҳуқуқбузарлиги ўзининг иқрорлигидан ташқари ишдаги маъмурий баённомалар, жабрланувчининг тушунтириш хатлари ва ишдаги тўпланган ҳужжатлар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади.

Суд, Р.Эшбаевнинг ҳаракатлари суриштирув органи томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 41¹-моддаси 1-қисми ва 183-моддаси билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Р.Эшбаевнинг ҳуқуқбузарлигига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, оилавий ва моддий аҳволи, ҳуқуқбузарликнинг



хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солиш бўйича қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли Қарори талабларига риоя қилган ҳолда унга маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни;

шунингдек, суд Р.Эшбаевни қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлари учун суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги тўловни Р.Эшбаевнинг ўзидан ундиришни;

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 29, 31, 32, 245, 294, 309, 310-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Эшбаев Рустам Сайдалим ўғли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми ва 183-моддаси назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Эшбаев Рустам Сайдалим ўғлига Ўзбекистон Республикаси МЖТК 41¹-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки) баравари, яъни 750.000 сўм жарима жазоси;

Эшбаев Рустам Сайдалим ўғлига Ўзбекистон Республикаси МЖТК 183-моддаси билан 3 (уч) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Эшбаев Рустам Сайдалим ўғлига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида 3 (уч) сутка муддатга маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин

Жазони ўташ муддати 2025 йил 04 июнь куни соат 11:00 дан бошлаб ҳисоблансин.

Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар учун суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги тўлов Р.Эшбаевнинг ўзидан ундирилсин.

Қарорнинг маъмурий қамоқ жазоси ижросини таъминлаш Янгихаёт туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози томонлар шу суд орқали қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс қарорнинг кўчирма нусхаси олган кунидан эътиборан шу муддатда Тошкент шаҳар судига апелляция шикоятни ёки протести, апелляция шикоятни берилмаган тақдирда қарор эълон қилинган кундан бошлаб, олти ой ичида кассация тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Тергов судяси

(имзо)

М.Турсунов

Нусхаси аслига тўғри:

